

Tadqiqot UZ

**ЎЗБЕКИСТОН
ОЛИМЛАРИ ВА
ЁШЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАРИ
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

2021

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



CONFERENCES.UZ

30 NOYABR
№34

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
5-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
34-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-5**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
34-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-5**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 34-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

1. Дуланов Ботир Эрқулович	
МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ ОМИЛИ.....	7



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ ОМИЛИ

Дуланов Ботир Эрқулович,
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси
E-mail: bek.us@mail.ru

Анотация. Мазкур мақолада миллий ўзликни англаш учинчи ренессанс пойдеворини яратиш омили эканлиги илмий асосланган. Шунингдек, миллий ўзликни англаш шакллари, унинг асосий компонентлари таҳлил қилинган. Учинчи ренессанс бу янги миллий ғоя сифатида шаклланаётганлиги шарҳланган.

Калит сўзлар. Миллий ўзликни англаш, Янги Ўзбекистон, Учинчи ренессанс, миллий манфаатлар, миллий қадриятлар, тарихий онг.

Дунёда бўлаётган глобал ўзгаришлар миллий ўзига хослик ижтимоий ҳодиса сифатида, ҳар бир давлатнинг мустақиллигини мустаҳкамловчи омил сифатида номоён бўлади. Янги Ўзбекистонни қуриш, Ученчи Ренессансни шакллантириш бу ҳар бир миллатнинг миллий узлигини англиши билан боғлиқ. Бу борада Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг “Инсоният тарихи шундан далолат беради, ҳар қайси ҳалқ ҳаётидаги маънавий уйғониш жараёнлари миллий ўзликни англашга олиб келади ҳамда мамлакатнинг иқтисодий, маданий тараққиётини янги босқичга кўтаради. Бундай ижтимоий ноёб ҳодиса “Ренессанс” – уйғониш, қайта тикланиш, юксалиш деб аталиши барчамизга аён.

Маълумки, бугунги Ўзбекистон замини қадимда икки буюк уйғониш даврига – Биринчи (маърифий – IX-XII асрлар) ва Иккинчи (Темурийлар – XIV-XV асрлар) Ренессансга бешик бўлган. Бу – жаҳон илм-фанида ўз исботини топган ва тан олинган тарихий ҳақиқатдир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яна бир муҳим Уйғониш жараёни кечмоқда. Шунинг учун “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” сўзлари ҳаётимизда ўзаро уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб янграмоқда, ҳалқимизни улуғ мақсадлар сари руҳлантироқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланниб бормоқда. Айнан мана шу жараён мен учун ислоҳотларимизнинг энг катта натижасидир. Чунки, мақсаднинг аниқлиги – ҳаракатлар самарасини таъминлайдиган энг муҳим мезондир.

Агар биз бундан беш йил олдин қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясининг туб мазмун-моҳиятини муҳтасар ифода этадиган бўлсак, ушбу ноёб ҳужжатда ўз олдимизга Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек буюк вазифаларни стратегик мақсад қилиб қўйган эдик”¹ деган сўзлари миллий ўзликни англаш борасида тизимли тадқиқотларни амалга оширишни тақозо этади.

Дунёда миллий ўзликни англаш борасида икки хил қараш мавжуд: биринчиси, миллий ўзига хослик сабит нишон, “миллий” қадриятлардан келиб чиққан жараён сифатида баҳоланса, иккинчиси қараш миллий ўзликни англашни “фуқаролик” билан боғлиқ ҳолда тушунилади, яъни худуд билан боғлиқ ҳолда тушунилади².

Умуман тадқиқотлар ва кўзатишлар натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, кўпчилик миллий ўзига хослик ҳақида қайғурмайди ёки билмайди. Яъни миллий ўзликни англаш

¹ Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // <https://president.uz/uz/lists/view/4547>

² McCrone, D., & Bechhofer, F. (2015). Understanding National Identity. Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/CBO9781316178928



турли контекстларда, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва сиёсий жараёнларда намоён бўлади. Сиёсатшунос олим В.Кучкоров буни қўйидагича изоҳлайди “Аксарият кишилар ҳануз миллий ўзликни англаш маънини билмайдилар, уни ўта содда, яъни ўзини ўзбек миллати вакили эканини билишдан иборат деб тушунадилар. Бу хол кишиларнинг демократик жараёнларга муносабатига салбий таъсир этмай қолмайди, албатта. Демак, кишиларда, айниқса, ёшларда, миллий (тариҳий, сиёсий, маънавий) ўзликни англашни юксалтириш республикамизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлаш кафолатидир. Демократик ислоҳотларни ўз тақдирли, ҳаётига таалукли воқелик, зарурят сифатида қабул қўлмайдиган киши уларда фаол қатнашолмайди”¹.

Ўзбекистонда Учинчи ренессанс пойдеворини яратиш миллий ўзликни англаш билан боғлиқни қўйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик сифатида сақлаб қолиши, ва “шахс-жамият-давлат” тараққиёти уйғунлигига эришиши лозим;

Иккинчидан, ҳар бир халқ ўз она или қадрлари уни, бойитиб бориши ва келажак авлодга барча тил компонетлари билан етказиши керак;

Учинчидан, ҳар давлатда яшовчи фуқаро ўз урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб қолиши, уни инсоният тараққиёти билан уйғун ҳолда сақлаш янги цивилизацияни яратишга асос булади;

Тўртингчидан, ҳар бир халқ ўз қадриятларига содиқлиги, унга амл қилиши ва ривожлантириб бориши миллий мансублигини англашга хизмат қилади;

Бешинчидан, ҳар бир фуқаро миллий манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб этиши Учинчи ренессанс шаклланишига таъсир кўрсатади.

Европалик олимлар миллий ўзига хосликни бир бирини тулдирадиган ва бир бирини тақазо этадиган тўрта тури мавжудлигини таъкидлашади (1-расм).



1-расм. Миллий ўзликни англаш шакллари²

Фуқаролик ва этник миллий ўзликни англаш 1-расмда белгиланганидек, турли шаклда намоён булади, МДҲ давлатлари мустақилликка эришганидан сунг, этник миллий ўзликнинг, янглаш, яъни миллий қадриятлари, урф-адатлари, ўз тарихини англаши орқали тарихий

¹ В.Кучкоров. Демократик давлат бошқаруви ва маънавий ўзликни англашни янада юксалтириш муаммолари. // “Жамият бошқаруви” журнали, 2012 йил 4 сон. 123 бет.

² The concept of national identity. // <https://www.bsa.natcen.ac.uk/latest-report/british-social-attitudes-31/national-identity/the-concept-of-national-identity.aspx>




онгни шаклланишда номаён бўлди. Фуқаролик асосида ўзликни наглаш бу фуқаронинг давлат билан боғлиқлигинида намоён бўлади, бир фуқаро бошқа давлатда вақтинча ёки доимий яшаш учун борганда биринчи навбатда уша давлатда урф-одатлари ва анъаналарини ўрганишга, уларга амал қилишга табиий равишда ёндашади.

Шу ўринда Л.М.Дробижеванинг куйидаги фикрларига ҳам қўшилсак бўлади: "...Миллий ўзликни англашда факат билиш эмас. Балки эмоционал таркибий кисм ўз халқининг маданий ва тарихий қадриятларга муносабат ва энг асосийси кишилар фаолиятини рағбатлантирувчи миллий манфаатлар иштирок этади. Биз миллий ҳиссиётлар, миллий манфаатлар фаол намоён бўлаётган вазиятда яшаб турган ҳозирги кунда оммавий ҳаракатлар даражасида бу ижтимоий ва психологик категория қандай фаол "ишлаётганлигининг" гувоҳи бўлиб турибмиз"¹.

Инсоният цивилизацияси маданияти ютуқларини ўзлаштириб ўтмиш тарихимизни ҳақиқат қўзи билан холисона қараб, тарихий хотирани тиклаш асосида миллий ўзликни англаш, ёш авлод онгига тарихий онг ва тарихий хотирани сингдириш асосида уларни баркамол, эркесвар, инсонийлик руҳида тарбиялаш мумкин. Бу асосан таълим тизимини барча бўғинлари, адабиёт-санъат орқали амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, Учинчи ренессанс бу янги миллий ғоя сифатида шаклланди ва у давлат ҳамда жамият томонидан қуллаб қувватланди. Шунинг учун бугунги кунда Учинчи ренессанс ғоясини ёшлар онгига сингдириш орқали, уларни Учинчи ренессанс ижодкорларига айлантириш учун узлуксиз таълим тизимида "ментор"лик тизими жорий этиш орқали инсон капитали ривожлантириш, ҳар бир фуқаронинг қобилияти ва салоҳиятини намоён қилиш учун кенг имконият яратиш лозим. Шунингдек, миллий ўзлкнинг англашнинг асосий компонентларини онгли равишда англаш лозим (2-расм).



2-расм. Миллий ўзлкнинг англашнинг асосий компонентлари

¹ Дробижева Л.М. Философские проблемы теории и практики национальных отношений социализма. Материалы «круглого стола». Вопросы философии 2018, №6, стр 31.



Ҳуқуқшунос олим А.Саидов таъкидлаганидек, “Бугунги кунда биз учинчи Уйғониш даври остонасида турибмиз. Агар Ўзбекистон Президентининг кейинги беш йилда ҳәётимизнинг биргина йўналиши, яъни маърифат, таълим ва илм-фанни ривожлантириш йўлида имзолаган қонун, фармон ва қарорлари, тасдиқлаган Давлат дастурлари, илгари сурган янгидан-янги ташаббусларининг мағзини тўла чақиб кўрсак ҳам, навбатдаги Маърифат Ренессансининг маркази Янги Ўзбекистон эканига ҳеч кимда шубҳа қолмайди”¹.

Янги Ўзбекистонда давлат ва жамият тараққиёти ва ривожланиши бевосита Учинчи ренессанс тўрта устуни – мактабгача таълим, мактаб таълими, олий таълим ва илмий тадқиқотларни самарали натижаларига боғлик. Мазкур тўрта устуннинг ривожланиши ўз навбатида мазкур соҳаларда фаолият олиб бораётган фуқароларнинг миллий ўзлигини, миллий қадриятлари ва миллий маққадларини англашларига боғлик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // <https://president.uz/uz/lists/view/4547>
2. McCrone, D., & Bechhofer, F. (2015). Understanding National Identity. Cambridge: Cambridge University Press. doi:10.1017/CBO9781316178928
3. В.Кучқоров. Демократик давлат бошқаруви ва маънавий ўзликни англашни янада юксалтириш муаммолари. // “Жамият бошқаруви” журнали, 2012 йил 4 сон. 123 бет.
4. The concept of national identity. // <https://www.bsa.natcen.ac.uk/latest-report/british-social-attitudes-31/national-identity/the-concept-of-national-identity.aspx>
5. Дробижева Л.М. Философские проблемы теории и практики национальных отношений социализма. Материалы «круглого стола». Вопросы философии 2018, №6, стр 31.
6. Саидов А. Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс: маъно-моҳияти, зарурати ва муштараклиги // [https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-va-uchinchi-renessans-mano-mohiyati-zarurati-va-mushtarakligi_295945](https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston ва-uchinchi-renessans-mano-mohiyati-zarurati-va-mushtarakligi_295945)

¹ Саидов А. Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс: маъно-моҳияти, зарурати ва муштараклиги // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekiston-va-uchinchi-renessans-mano-mohiyati-zarurati-va-mushtarakligi_295945

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 34-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(5-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000